



СОВЕТ УЗБЕКИСТОН

Газета
1918 йил 21 июндан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

№ 276 (20. 244) • 1988 йил 30 ноябрь • чоршанба

Баҳоси 4 тийин.

ЎН БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ ЎН ИККИНЧИ СЕССИЯСИДА

29 ноябрь куни эрталаб соат 10 да Кетта Кремль саройида XI чакірік СССР Олий Советининг наватдан ташқари ўн иккинчи сессияси иш бошлади. Сессия Иттифок Совети билан Миллатлар Советининг қўшма мажлиси билан очилди.

Депутатлар ва меҳмонлар М. С. Горбачев, В. И. Воротников, Л. Н. Зайков, Е. К. Лигачев, В. А. Медведев, В. П. Никитин, Н. И. Рыжков, Н. С. Спирин, В. М. Чебриков, Э. А. Шеварднадзе, В. В. Шербицкий, А. Н. Яковлев, А. П. Лукьянов, Ю. Д. Маслюков, Г. П. Разумовский, Ю. Ф. Со-

ловьев, Н. В. Талкин, Д. Т. Язов, О. Д. Бакланов ўртоқларни қарсақлар билан кутиб олдилар.

Мажлиси СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Раиси А. Э. Восс очди.

Сессиянинг СССР Олий Совети Президиуми тақлиф қилган ва Иттифок Совети билан Миллатлар Советининг оқсоқолар кенгашлари маъқуллаган кун тартиби, шунингдек иш тартиби бир овоздан тасдиқланади. Қуйидаги масалалар муҳофизатга киритилди:

1. Давлат қурилиши соҳасида сийсий ислохот ўтказиш тадбирлари тўғрисида.

2. СССР халқ депутатлари сайлови тўғрисида.

Масалаларни КПСС Марказий Комитети билан СССР Олий Советининг Президиуми киритган.

Давлат қурилиши соҳасида сийсий ислохот ўтказиш тадбирлари тўғрисида доклад қилиш учун КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. С. Горбачевга сўз берилди.

Доклад эътибор билан тингланди ва давомли қарсақлар билан кутиб олинди.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1988 йил 28 ноябрь куни КПСС Марказий Комитетининг наватдаги Пленуми бўлиб ўтди.

Пленум «Давлат қурилиши соҳасида сийсий ислохот ўтказиш тадбирлари тўғрисида»ги масалани кўриб чиқди. Шу масала юзасидан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев доклад қилди.

Доклад юзасидан бўлган музокараларда РСФСР Олий Совети Президиумининг Раиси В. И. Воротников, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. В. Шербицкий, КПСС Чечено-Ингушия область комитетининг биринчи секретари В. К. Фотеев, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари М. С.

Мендибаев, Куйбишев областидаги СССР 50 йиллиги номли Волга автомобиль заводининг электрчилар бригадир В. М. Малихин, СССР Фанлар академиясининг вице-президенти, М. В. Ломоносов номли Москва давлат университетининг ректори А. А. Логунов, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Е. Е. Соколов, Эстония Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. И. Вяляс, ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари В. И. Мироненко, Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. -Р. Х. Везиров, СССР темир йўллар министри Н. С. Конярев сўзга чиқдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев якуловчи нутқ сўзлади.

Пленум муҳокама этилган масала юзасидан қарор қабул қилди. Бу қарор матбуотда эълон қилинади. Пленумда СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рыжковнинг «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 2005 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Концепцияси лойиҳасини тайёрлаш соҳасидаги иш ҳақида»ги доклади тингланди. Пленум бу масала юзасидан қарор қабул этди, бу қарор матбуотда эълон қилинади.

Пленум КПСС Марказий Комитетининг ички ва ташқи сийсатининг Асосий йўналишлари юзасидан

КПСС Марказий Комитетининг 1988 йил сентябрь Пленуми тузган комиссиялари шахсий составини тасдиқлади. Шу масалага оид қарор матбуотда эълон қилинади.

Пленумда ташкилий масала кўриб чиқилди.

Пленум ўз обрўларига доғ туширган И. Б. Усмонхўжаевни КПСС Марказий Комитетининг аъзолари составидан, И. Жабборовни ва О. У. Салимовни КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидатлар составидан чиқарди.

Шу билан КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишнини тамомлади.

Ўн биринчи чакірік СССР Олий Советининг наватдан ташқари ўн иккинчи сессияси



МОСКВА, Кремль. 1988 йил 29 ноябрь. Ўн биринчи чакірік СССР Олий Советининг наватдан ташқари ўн иккинчи сессияси.

(ТАСС—ЎзТАГ телефотоси).

СОВЕТЛАРНИНГ ТЎЛА ҲОКИМИЯТИ ВА СОЦИАЛИСТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТНИ БАРПО ЭТИШ САРИ

М. С. ГОРБАЧЕВнинг
СССР Олий Советининг сессиясида
1988 йил 29 ноябрда қилган доклади

Депутат ўртоқлари! СССР Олий Советининг ушбу наватдан ташқари сессиясида биз сайлов тўғрисидаги ҳамда СССР Конституциясида ўзгариш ва қўшимчалар ҳақидаги Қонун лойиҳаларини умумхалқ муҳокамасининг якунларини ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқишимиз ва қабул қилишимиз керак.

Олий Совет муҳокамага тақдим этилган Қонун лойиҳалари партиядаги қайта қуриш — унинг жамиятининг сийсий авангарди сифатидаги потенциаллини очиб бериш, унга хос бўлмаган функциялардан озод қилиш ҳамда партия, совет ва ҳўжалик органлари ўртасида меҳнатнинг тақсимланшини таъминлаш керак бўлган қайта қуриш билан бирга бизни КПССнинг XIX Бутуниттифок конференцияси қарорларида белгиланган сийсий ислохотни рўйбога чиқариш соҳасидаги кенг амалий ишлар йўлига олиб чиқади. Шу тариқа совет жамиятини демократиялаш жараёнига янги қудратли туртки берилади.

Белгиланган ўзгаришлар революцион қайта қуришнинг умумий программа-сида қандай ўрин тутайди?

да қисқа қилиб таърифлайдиган бўлсак, унинг, айтилай, сийсий манзарасини берадиган бўлсак, айтиш керакки, бу 80-йиллар ўрталарида вужудга келган вазиятнинг англаб олиш, қайта қуришнинг яхлит концепцияси фикри тутилган ва шаклланган босқичдан гоилар борган сари кўпроқ сийсий йўл-йўриқлар ва қонуний тартиблар тусини олаётган, биринчи ўринга эса иш, ҳаётини янгилаш этиш чўқиб бораётган босқичга ўтиш даражасида. Бу давр ҳам мураккаб, ҳам гоил масъулиятли даврлар.

Қайта қуриш — фаолиятининг энг асосий соҳасидир. У чўнакам социалистик ютуқларни, идеаллар ва принципларни сақлаб қолтиш ва ривожлантириш учун ҳам, ўтишдан мерос қолган бузилишларни, салбий ҳодисаларни енгиш учун, ҳар бир областдаги, район, меҳнат коллективдаги амалий ишларни ҳал қилиш учун ҳам кўп қилиб.

Шунинг учун ҳам бу жараён тобора кучайиб бораётган, ҳеч қандай вазиятлар, ҳеч қандай ҳусусий проблемалар ва ноаниқликлар уни секинлаштириб қўя олмайди ва айниқса унга ҳавф тугдирма олмайди тарзда ҳаракат қилишимиз

керак. Буни, ўртоқлар, ҳаммамиз — ҳар бир ишчи, деҳқон, зиёли, ҳар бир совет граждани эсида тутини керак.

Ҳозирги пайтнинг ҳусусияти шундан иборатки, бизнинг бундан бунгга таракқийимиз борган сари кўпроқ сийсий институтларнинг мукамал эмаслигига дуч келмоқда. Биз буни ҳар қадамда ҳис қилмоқдамиз.

Давлат қорхонаси ва кооперация тўғрисидаги Қонуларнинг қабул қилиниши, ҳўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи маблаг билан таъминлаш, пудрат ва ижарани кенг қўламда жорий этиш учун шартон яратилиши эконо-

микани аста-секин соғломлаштиришга, халқнинг турмуш даражасини яхшилашга йўл очиб берди.

Лекин меҳнаткашларнинг қўлгина тапабуслари ва бошлаган ишлари бюрократик чалқаш йўлларида йўқ бўлиб кетмоқда ва ҳатто қаршиликка учрамоқда. Шунинг учун ҳам кейинги пайтнинг асосий сабоғи шундан иборатки, бутун ҳаётимизни демократиялаштиришдан туриб, Советларни ҳокимиятнинг ваколатли ва халқнинг ўз-ўзини бошқарувчи вакиллик органлари сифатида қайта тиклашдан туриб турғунлик ҳолатидан чиқишни жадаллаштириб бўлмайди.

Бу эса қўпинча эътишшимизга тўғри келмаётган саволга: биз сийсий ислохот учун моддий базис тайёрлашдан туриб, одамларнинг озиқ-овқат, товарлар, хизматлар, уй-жойларга бўлган зарур охтиёжларини қондиришда бурилишга эришмасдан туриб сийсий ислохотга барвақт киришмадимиз, деган саволга ҳам жавоб бўлади. Йўқ, ўртоқлар, енгил йўллар бўлмайди. Менинг нитисодий ислохотни сийсий ўзгаришлар билан, демократиялаш ва ошқоралик билан қўшиб олиб борганимиз

сиз билан биз яқин келажак учун ҳам, истиқбол учун ҳам ўз олдимизга қўйган вазифаларни ҳал қилиш мумкин, деб қайта-қайта айтишимизга тўғри келган.

Экономикада, жамиятнинг социал қайта қуришда, маънавий соҳани соғломлаштиришда бошланган жараёнларни ҳозир сийсий ислохот билан мустаҳкамлаш керак, уларга мувофиқ келадиган бошқарув системасини вужудга келтирмасак, Советларнинг кадрларимизнинг ишнини тубдан янгиламасак — қайта қуриш соҳасидаги барча жараёнлар бир жойда депсиниб қолиши мўқаррар.

Сийсатда кенг нарсани ўзгартирмасдан, ҳеч демократик ўзгаришларни амалга оширмасдан туриб экономикада ишларнинг аҳволини ўнглаб олиш йўлида ўтмишда қилинган муваффа-

қиятсиз уринишлар тажрибаси бизга кўп сабоқ берди. Сийсий ислохот — бу жамият организмнинг янаши учун зарур бўлган ўзига хос кислороддир. Унинг мақсади — ҳаётнинг барча томонларини демократиялаш оқоли шахсининг манфаатларини коллективнинг ва бутун жамиятнинг манфаатлари билан қўшибдан, меҳнаткаш инсонни ишлаб чиқаришда ҳам, давлатда ҳам амалда ҳўжайин сифатида қарор топтиришдан, уни бутун сийсий жараённинг марказига қўйишдан иборатдир.

Қайта қуриш бизда турғунлик йилларида ҳўкм сурган жимжитликни том маънос билан портлатиб юборди, кенг ва эркин мунозарага туртки берди, қўлгина етилган ва ҳатто дардли масалаларни ҳам юзга чиқарди. Бинобарин, машу ну жимтой жараёнининг жуда

катта энергияси тарқалиб кетмаслиги, беҳуда, сарфланмаслиги ва айниқса социал ҳамда миллий ўзаро низоларга айланиб кетмаслиги, балки реал ишларга сарфланиши, бутунлай чўнакам революцион бунёдкорлик масалаларига эришишга қаратилмоғи зарур.

Ҳозир олдимизда жуда катта ва мураккаб вазифалар турибди. Янгилик қўламлари қаршида, юзга отилиб чиққан муҳокама ва ҳиссётларнинг хилма-хиллиги қаршида саросимага тушиб қолмаслик мўқимдир. Буларнинг ҳаммасига қайта қуриш натижасида имкон туғилди ва улар жамиятимизни янгилаш жараёнларини нада ривожлантиришга ёрдам бермоғи керак.

XXVII съезд, XIX партия конференцияси белгилаб берган йўлдан қатъий ва изчил бориш, хилма-хил фикрлар ва манфаатларни эркин ифодалаш ҳамда мувофиқлаштириш учун демократик воисталарни вужудга келтириш керак.

Депутат ўртоқлар, юқорида айтилганларнинг ҳаммаси бутун СССР Олий Совети қараб чиқаётган масаланинг аҳамиятини кўрсатиб турибди.

Шунингдек, ҳозир амалга оширилаётган ўзгаришлар совет давлатчилигининг ривожлантиришда қандай ўрин тутини аниқ кўра билиш, уларни тарих тарозисидан тортиш ҳам керак.

Ҳокимият тўғрисидаги масала ҳар қандай жамиятда бош масалалар, Лекин у революцион даврларда, эски сийсий система бузиб ташланаётган ва янги сийсий система қарор топаётган, жамият келажанда бутун бир тарихий давр мобайнида янаши на ривожланиш керак бўлган тартиблар ва қондалар қарор топтирилаётган даврда алоҳида аҳамият касб этади.

Катта сийсатнинг барча масалалари — партия, Совет давлати, касба союзулари, комсомол, бошқа жамоат ташкилотларининг ўрни ва роли, улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар тартиби, бошқарув органлари фаолиятини ва давлат ҳаётининг боришини тартибга солувчи принциплар ва нормалар, давлат билан граждн ўртасидаги муносабатлар — ҳарор айтман, барча сийсий масалалар социализм шартонига асосий нарсата — меҳнаткаш инсон манфаатларига қараб ҳал қилинмоғи керак.

(Давоми 3-бетда).

